

СОЯ НАВЛАРИГА ГИДРОГЕЛ МОДДАСИНИ ҚЎЛЛАБ ЕТИШТИРИШ

Масардинов Хушнудбек Бозорбой ўгли
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари
институтини магистранти

E-mail: хушнудбекмасардинов@gmail.com

Tel: +99894 385 36 25

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада соя ўсимлигининг хорижий **славия, вилана**, маҳаллий **тўмарис, ҳосилдор** навларига гидрогел моддасини қўллаб, олинган ҳосилдорлик ва етиштириш технологияси баён этилган.

Ҳозирги пайтда аҳоли сонининг ортиши уларнинг озиқ-овқатга бўлган талабининг ҳам ортишига сабаб бўлмоқда. Шу туфайли қишлоқ хўжалиги деҳқончилигида еhtiёжларни қондира оладиган экинларни экиш тавсия этилмоқда. Айниқса дон-дуккакли экинларни экиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Булар орасида айниқса соя ўсимлиги катта майдонларга экилиб келинмоқда. Соя ўсимлигини етиштириш ундан юқори ҳосил олиш давлат сиёсати даражасига кўтирилди. Хукумат томонидан қатор қарор ва фармонлар ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сонли “2017-2021 йилларда республикада соя экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, шунингдек 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли қарор билан ПҚ-2832-сонли қарорга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, яъни “2017-2021 йиллар давомида республикада юқори ҳосилли соя навларини яратиш, бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш, етиштириш ва майдонини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури” бўйича қарор қабул қилинди.

Аҳамияти. Соя ўсимлиги озиқ-овқатда, техникада, консерва сифатида ишлатилади. Сояннинг бундай ишлатилиши доннинг сифатига боғлиқ, таркибида 30-52% оқсил, 17-27% мой бўлади ҳамда 20% карбон сувлари мавжуд. Сояннинг оқсили юқори сифатли, сувда тўла эрийди, яхши хазм бўлади. Глитсин аминокислотаси кўп бўлиб, бу ачитишда иштирок этиб, сут-қатик маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Соя донидан мой, маргарин, пишлок, сут, ун, қандолат маҳсулоти, консервалар ишлаб чиқилади. Мойи лак бўёғ саноатида, совун ишлаб чиқаришда қўлланилади, ер юзида ишлаб чиқарилаётган ўсимлик мойининг 40% ни ташкил қилади. Соя оқсилга бой ўсимлик ҳисобланиб, озиқ-овқат саноати ва чорвачилик соҳаларига асосий хом-ашё сифатида дунё бўйича **310 млн тонна** миқдорида етиштирилади.

Систематикаси. Соя бу бир йиллик ўтсимон ўсимликлар авлоди бўлиб, дуккакликлар *Fabaceae* оиласига мансубдир.

Дехқончиликда маданий тури -- *Glycine ussuriensis* Rge. Ussuriya тури табиатда тарқалган.

Маданий тури 4 та кенжатурларга бўлинган: а) Корея тури – *Gssp korajensis* En. б) Манжурия тури- *G ssp. Manshuria* Enk. в) Ҳинд тури- *G ssp indica* г) Хитой тури – *G ssp. Chinensis* Enk. – Хитой, Ҳиндихитой, Япония, Корея, МДХ да тарқалган.

Бу турлар ўсув даври, дуккагини, баргини катталиги, тупининг шакли, уруғининг катталиги ва шакл бўйича фарқ қилади.

Иссиқликка талаби. Умуман уруғ етилиши учун 20 С° иссиқ талаб қилинади. Майса 19-22 С° да 6-7 кунда пайдо бўлади; 15-17 С° 12 кунда. Ҳарорат 10 С° дан 33 С° гача ошса “ майсаланиш- гуллаш” давомийлиги 45 кундан 21 кунгача қисқаради. Гуллаш ва мева шаклланиши 11,5-27 С° интервалда ўтиши мумкин. Аммо мақбул ҳарорат 21-23 С°. Фойдали ҳарорат йиғиндиси 1700-3500 С° ташкил қилади.

Гидрогел – ўзига нам тортувчи, юқори бўкувчанлик хусусиятига эга синтетик полимер бўлиб, ўсимлик учун керакли бўлган макро ва микроэлемент ҳамда экинларни ривожланишига кучли та'сир берувчи микроорганизмларга эга. У, тупроқ таркибида кўп миқдордаги намликни узоқ вақт давомида сақлаш ва ўзлашмай ётган минерал ўғитларни ўсимлик учун қайта ўзлаштириш имкониятини беради.

Гидрогел ёмғир сувларида ўз оғирлигидан 200-300 марта, тупроқларда эса тупроқ таркибидаги турли тузлар миқдорига қараб 200-250 мартагача кўп сувни ютади.

Тупроққа атмосфера ёғинлари ёки суғориш йўли билан ўтган сув ўсимликлар илдизига бемалол ўтадиган ҳолатда сақланади.

Гидрогеллардан фойдаланишнинг афзалликлари:

- суғорув сувини 20-40%га тежайди;
- минерал ўғитларни тупроқнинг унумдор қатламида тутиб қолиш ҳисобига унинг сарфини камайтиради;
- унумдор қатламни янада бойитади ва ҳосилдорликни оширади;
- ерлар ва ер ости сувларини шўрланишдан сақлайди;
- маҳсулот ҳосилдорлигини 30-40%на оширади, унинг таннарҳини пасайтиради.

Навлар тавсифи. Славия- Нав Краснодар ВНИИМК им. В.С.Пустовойта институтида яратилган. Нав эртапишар, ўсув даври 103-108 куни ташкил этади.

Такрорий қилиб экилганда 80-85 кунда пишиб етилади. Серҳосил, унинг имконият даражаси гектаридан 38,9-40,1 центнерни ташкил этади, ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 30-32 центнерни, такрорий қилиб ўстирилганда эса ҳар гектаридан 20,0-22,0 центнерни ташкил этади.

Вилана- Нав Краснодар ВНИИМК им. В.С.Пустовойта институтида яратилган. Нав ўртапишар, ўсув даври 117-120 куни ташкил этади.. Серҳосил, унинг имконият даражаси гектаридан 48-52 центнерни ташкил этади, ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 30-35 центнер. Пояси тик ўсувчи деярли шохламайди, асосий поянинг баландлиги ўртача 100-110 см.гача.

Ҳосилдор- Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2018 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик экинлари Давлат нав синаш комиссиясига топширилган. 2020 йилдан истиқболли бўлиб реестрга киритилди.

Нав муаллифлари: Р. Сиддиқов, А.Мўминов, З.Яқубов, Х.Ўринбоев.

Нав ўртапишар, ўсув даври 110-120 кунни ташкил қилади.

Ҳосилдорлик. Ўртача дон ҳосилдорлиги гектаридан 32-35 центнер, навнинг имконияти гектаридан 42-45 центнергачани ташкил қилади.

Тўмарис- Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида яратилиб, 2017 йилдан давлат реестрига киритилган. **Нав муаллифлар:** Маннопова М., Сиддиқов Р., Мирзааҳмедов Б.

Нав ўртапишар, ўсув даври 110-115 куни ташкил этади. Такрорий қилиб экилганда 85-90 кунда пишиб етилади. Серҳосил, унинг имконият даражаси гектаридан 45-47 центнерни ташкил этади, ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 35-38 центнерни, такрорий қилиб ўстирилганда эса ҳар гектаридан 20,0-23,0 центнерни ташкил этади.

Олиб борилган тажриба. Соянинг тўртала нави 13-апрелда 8 та вариантга 60x4x1 схемада экилди. Саккизта вариантдан 4 тасига гидрогел моддаси қўлланилди, 4 тасига қўлланилмади. Биринчи вариант назорат варианты ҳисобланди. Ўғитлаш ишлари экишдан олдин, экиш билан бирга ва ривожланиш фазаларида етарли миқдорда қўлланилди. Қатор ораларига уч марта ишлов берилди. Суғоришлар сони 4 марта суғорилди. Гидрогел моддаси гектарига 30 кг қўлланилди. Яқунда ҳосилдорлик ўртача 29 ц/га ни ташкил қилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, соя ўсимлигини юқоридаги тавсиялар асосида экиб, етиштирилса ўйлаган ҳосилдорликка эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. П.Қ. 3144-сонли қарор
2. П.Қ. 2832-сонли қарор
3. “Республикада 2021 йил ҳосили учун соя асосий, такрорий ва ғўза билан ҳамкорликда етиштириш агротехнологияси бўйича тавсиялар” Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, РФА академиги Р.И.Сиддиқов, қ.х.ф.н., к.и.х. И.У.Эгамов, қ.х.ф.н., к.и.х. А.А.Мўминов, илмий ходим З.Яқубовлар.
4. лех.уз
5. <https://kun-uz.translate.google/uz/news/2018/01/10/sugorisda-innovacion-granulalar? x tr sl=uz& x tr tl=ru& x tr hl=ru& x tr pto=sc>
6. Дала тажрибасидан